Ҳимоя

Инсон ҳуқуқлари — муқаддас

ҚОНУН БУЗИЛГАНМИДИ?

Воқеанинг қисқача баёни мана бундай:

"2001 йил 17 июнь куни халқ посбони А.Маҳмадқулов мендан Тожиддин Мировни сўради, органдан одамлар келиб суриштиряпти, деди. У уйида йўқ экан. Шунда Узун туман ички ишлар бўлими ходими К. Саидов уни даладан, ишлаётган жойидан олиб келди. Бирпасда одамлар тўпланди. Орган ходимлари ҳеч қандай тинтув ўтказишмади. Тожиддиннинг устидан шикоят тушган, олиб бориб текширамиз, тортага олиб келамиз, дейишди. Мени гувоҳ сифатида машинага ўтказишди.

"Хонжиза" туман марказидан 80 километр узоқда. Йўлда Чероново деган жойда тўхтадик. Тожиддин ҳожатхонага бориб келди (эътибор беринг!). Бизни Узун туман ички ишлар бўлимига олиб боришди. Орган ходимлари ичкарига кириб кетишди, биз чамаси 3 соатлар ҳовлида қолиб кетдик. Зиёдулла Раҳмонов Тожиддинни ичкарига чақирди" (Судга гувоҳ сифатида қатнашган Насрулло Сафаровнинг тушунтириш хатидан).

Судга тақдим этилган айблов хулосасида эса Т.Миров: ***"Мени ички ишлар бўлими бошлиғига олиб киришди. Қип-яланғоч қилиб ечинтиришди. Бирбирларига қараб, мана ҳеч жойи кўкармаган, кўрдингларми, деб кийимларимни узатиб туришди. Кийиндим. Сўнг кўйлагим чўнтагидан салафан пакетда оппоқ нарса олишди. Кўриб ҳайрон қолдим. Улар "героин" дейишди, мен героинни умримда кўрмаганман"***, - деган.

Дейлик, ўша 3 грамм героин Т.Мировнинг чўнтагида бўлган, унда ўзини ички ишлар бўлимига олиб кетишаётганини билган Тожиддин йўлда ҳожатхонага борганда нега ташлаб юбормади? Ёки ички ишлар ҳовлисида ҳам ундан халос бўлишнинг имкони бор эди-ку! Энг қизиғи, "Наркобизнес билан шуғулланади" деган шубҳали хабар орқали Хўжа Асминга борган вилоят ички ишлар ходимлари Зиёдулла Раҳмонов, Олим Менглиевлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексига асосан, шубҳали, дея гумон қилинган шахс кўлга олинган жойида тинтув ўтказилиб, холис гувоҳлар иштирокида, айбдорлиги тўғрисида далолатнома тузилиб, қўли боғлиқ ҳолда ички ишлар бўлимига олиб келиниши шарт эканлигини наҳотки билишмаган ёки билса ҳам қонунни менсишмаган? Нима бўлганда ҳам бу ерда бир инсон тақдири ҳал бўлиши лозимлигини унутмаслик керак эди. Қолаверса, суд ҳукмидаги вилоят суд чаркология экспертизаси ўз хулосасида ҳам фуқаро Т.Мировнинг наркомания билан касалланмаганлиги, қонида наркотик моддалар йўқлиги айтилади.

Хўш, унда судланувчи Т. Миров 3 грамм героинни кимдандир олиб, кимгадир сотмоқчи бўлганмикин? Унда нега тергов ўз хулосасида бу масалани очиқ қолдирди? Суд эса бу жараённи бутунлай этиборга олмади. Илк дистанцияда қилинган хато бутун суд давомида ўз таъсирини ўтказиб турди. Таажжублиси эса, 80 километр масофадан гувоҳ бўласан дея олиб келинган Н. Сафаров четда қолди.

Орадан бир кун ўтиб, яъни 2001 йилнинг 18 июнь куни прокурор санкцияси билан Т.Миров хонадонида тинтув ўтказилди. Ушбу жараёнда иштирок этиш учун махсус гуруҳ ҳам таклиф этилди. ***"Мени ён қўшниси сифатида гувоҳликка чақиришди. Биз иккита хонани тинтидик, ҳеч нарса чиқмаганди, учинчи хонага ўтганимизда мен кўрпа-ёстиқ, чойнак-пиёлаларни Тожиддиннинг оиласига олиб бераётган эдим, бирдан қоғоз чиқди, дейишди. Бир ёш бола бу қоғозни ўзи ташлади, деди. Сўнг бизни қишлоқ кенгаши идорасига олиб боришди. О.Менглиев дегани қоғоз бериб, ёз деди. Мен бор воқеани ёздим. Шунда у: "Варақа чиққанини кўрдим, деб ёзасан", деди. Мен кўрмаган нарсамни ёзмайман, дедим. О. Менглиев мажбурлаб ёздирди. Судга тақдим қилинган тушунтириш хатини ўз ихтиёрим билан ёзганим йўқ"*** (Гувоҳ Абдувоҳид Носировнинг суддаги гапидан.)

Бундай ҳолатда адолат қарор топиши учун судья воқеа иштирокчиларини албатта юзлаштириши керак эди. Аммо судга раислик қилаётган А.Холтўраевнинг йўқловномалари бекор кетди.

Вилоятда ўтказилган тергов жараёни ҳам айбланувчининг ҳақ-ҳуқуқларига зид равишда олиб борилган. Тергов рус тилида юритилиб, ўзбек тилига таржима қилинган. Ваҳоланки, судланувчи тожик миллатига мансуб, ўзбек тилини мукаммал билмас экан. Айблов хулосасида қўйилган айблардан тўла хабардор бўлмаган, шунданми, айблов варақасининг бирорта ҳам саҳифасига айбланувчи имзо чекиб тасдиқламаган. Демак, у айбига иқрор эмас. Қолаверса, таржимоннинг исми-шарифи ҳеч бир жойда қайд этилмаган, у малакали мутахассисми ёки кўча одамими, буни билиш ўта муҳим. Чунки бу борада бир инсон тақдири, келажаги ҳал этиляпти ахир. Вилоятда ўтказилган тергов жараёнида қатнашган адвокат Маматқулова эса: "Айбланувчи Т.Миров мутлақо айбсиз. Уни ноҳақ ҳибсга олишган", деган хулосани судга тақдим қилган.

Биз хўжалик аъзолари билан суҳбатлашганимизда, улар 77 нафар имзо чекиб тасдиқланган тушунтириш хатини ҳамда "Хонжиза" фуқаролар йиғини мажлис баённини бизга тақдим этишди. Ҳар иккала ҳужжат судга ҳам тақдим этилган. Уларда Тожиддин Мировнинг оддий деҳқон оиласига мансублиги, ҳеч қандай жиноий гуруҳларга аъзо эмаслиги, қишлоқдан ташқарига чиқмаганлиги баён этилган.

Муҳаммади Кенжаев, собиқ мактаб директори:

— Тожиддин менинг кўлимда ўқиган. Уни яхши биламан. Мактабда одобли бола эди. Унақа наркоман ёки борон тўдага аъзо бўлган эмас.

Тошмурод Ҳайитов, Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, 88 ёшда:

— Мен бу боланинг ота-боболари билан бирга улғайганман. Отаси ҳам деҳқончиликдан, меҳнатдан кун кўрган одам. Ўзиям хўжаликда деҳқон, ҳалол ишлаб келади.

Суд ҳукмидан: ***"Судланувчи Миров Тожиддин Муҳаммадиевич 1969 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароси. 4 нафар фарзанди бор. Муқаддам судланмаган. "Хонжиза" жамоа хўжалигида ишчи. Оиласи билан Хўжа Асмин қишлоғида доимий яшаб келади.***

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454, 457, 460, 462, 463, 465, 468, 471, 473-моддаларини қўллаб ҳукм қилади: Судланувчи Миров Тожиддин айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 244-1-моддаси 2-қисми, 244-2-моддаси 1-қисмлари чиқарилсин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159-моддаси 1-қисми, 25-273 моддасига биноан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 11 (ўн бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин"...

Албатта, ҳар бир инсоннинг тақдири ҳал этилаётганда, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида ҳар қандай воқеа тафсилотларининг энг майда икир-чикирларини ҳам пухта ўрганиш талаб этилади.

Биз бирон томоннинг ёнини олмоқчи эмасмиз. Шу билан бирга қонун устиворлиги йўлида демократик тамойилларга асосланган адолатли жамият қуришда, айбдорнинг айбини исботлашда барча жараёнлар қонуний йўл билан амалга оширилиши лозимлигини суд таъминлаши кераклигини таъкидлаб ўтмоқчимиз, холос. Бу борадаги озгина хато, янглишув фуқароларимизда суд одиллигига нисбатан шубҳа уйғотиши ёки бир инсон қисматига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай эмасми...

Ж. БАШАНОВ,
адвокат,
Ю. ХУДОЙҚУЛ,
журналист